

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 10 июнь, № 114 (5281) Жума


# ЮРТБОШИМИЗ ИШОНЧИ ОҚЛАНДИ



## Ўзбекистон спортчиларининг Сингапурдаги юксак муваффақияти

Сингапурдан хушхабар келди. Осиё кубоги мусобақаларида академик эшкак эшиш бўйича спортчиларимиз тўртта олтин, битта кумуш ва олтита бронза медални қўлга киритди. Улар орасида ўзининг иқтидори ва шижоати билан жаҳон спортида муносиб ўрин эгаллаб келаётган Нукус олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Абубакир Узақбаев ҳам бор.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, 2010 йилда Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида академик эшкак эшиш бўйича кумуш медални қўлга киритган Абубакир Узақбаев билан ҳам суҳбатлашган эди. Юртбошимиз ёш спортчини муносиб ғалабаси билан табриклаб, унга академик эшкак эшиш бўйича қайиқ совға қилганди. Бу Абубакир учун спорт билан янада фаол шуғулланишида катта рағбат бўлди.

Абубакир Президентимизнинг бундай улкан эътиборидан руҳланиб, янада пухта тайёргарлик кўришга, кейинги мусобақаларда Ватанимиз шанини муносиб ҳимоя қилиб, бундан-да юқори марраларни қўлга киритишга ваъда берган эди.

А. Узақбаев жорий йил 2 — 5 июнь кунлари Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида давлатимиз раҳбарига берган ваъдасининг устидан чиқди. Кўплаб мамлакатлардан келган тажрибали спортчиларни ортда қолдириб, бир кишилик қайиқда академик эшкак эшиш бўйича олтин медални қўлга киритди.

Спортга иштиёқи баланд бўлган Абубакир Узақбаев спортнинг академик эшкак эшиш турига алоҳида меҳр қўйди. У юртимизда спортни ривожлантиришга, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибордан руҳланиб, мураккаб машғулотларда ўз маҳоратини мунтазам ошириб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли Абубакир каби кўплаб истеъдодли ёшлар вояга етмоқда. Улар ўзининг маҳорати ва иқтидорини намоён этиб, жаҳон спорт ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори академик эшкак эшиш ҳам жадал




ривожланмоқда. Абубакир Узақбаев, Зафар Усмонов, Ерназар Ҳамидуллаев, Ёқуб Ҳамзаев, Дилшод Қудратов, Наталья Багитова, Абдурасул Муҳаммадиев, Айсара Байлепесова каби ўнлаб ёшларимиз мазкур спорт тури бўйича халқаро мусобақаларда тенгсиз эканини намойиш этмоқда.

Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида бу яна бир бор ўз исботини топди. Ушбу мусобақаларда, шунингдек, самарқандлик Зафар Усмонов, Ёқуб Ҳамзаев, Дилшод Қудратов, қорақалпоғистонлик Ерназар Ҳамидуллаев, тошкентлик Наталья Багитова ҳам олтин медалларга сазовор бўлди.

Бу спортчиларимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига муносиб туҳфасидир.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қорақалпоғистонлик спортчи Абубакир Узақбаев билан. (2010 йил 5 октябрь).

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# МОЛИЯВИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида молиявий ва техникавий ҳамкорлик бўйича навбатдаги ҳукуматлараро музокара бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, иқтисодиёт, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлаганов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, молиявий ва техникавий соҳаларда ҳам жадал ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил иқтисодий ислоҳотлар самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизнинг қулай жўғрофий жойлашуви, юксак интеллектуал салоҳияти, бой табиий ресурслари, барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича пухта шаклланган механизм юксак даражада ривожланган давлатларнинг юртимиз билан фаол ҳамкорлик қилишида муҳим омил бўлмоқда.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Ушбу мамлакат юртимиз иқтисодиётига фаол сармоя киритиб келаётир.

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганини таъкидлаган эди.*

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги алоҳида қайд этилган эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир даврда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки жамоатчилик назорати демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, у фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари сингари фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади. Унда асосий эътибор давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, мансабдор шахслар томонидан Конституция ва қонунлар талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилади. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида давлат амалдорлари масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб, улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда жамоатчилик назорати бошқарув ва аҳоли ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, умумдавлат равнақига хизмат қилади.

Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун янгилик эмас. У азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган. Мустақиллик йилларида ҳам жамоатчилик назоратини олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар юртимизнинг амалдаги 30 дан ортиқ қонунларида, шу жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолати тўғрисида"ги,

(Давоми 2-бетда).

# Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● Тайлоқ туманилик тадбиркор Исрофил Пўлатов полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга оширди. Салкам 796 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган "Мир Умар" корхонаси фойдаланишга топширилиши билан 20 киши ишли бўлди.

● **Қорақалпоғистон Республикасида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Истиқлол йилларида барча жабҳаларда қўлга киритилган ютуқларнинг аҳамиятини ёшларга тушунтириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда 45 мингдан ортиқ қорақалпоғистонлик ёшлар қатнашди.**

● Хўжаободлик тадбиркор Дониёрбек Шаропов ўзи раҳбарлик қилаётган "Дон Холм" корхонасида пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 37 киши иш билан таъминланган ушбу корхонада ўтган қисқа муддатда 2,5 миллион донадан ортиқ сифатли деворбоп материал тайёрланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# МАҲАЛЛА – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

***Тошкентда "Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини кучайтириш" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш доирасида ўтказилди.***

Халқаро давра суҳбати республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва "Цукуба" университети (Япония) томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Ҳиндистон, Хитой, Норвегия, Словения, АҚШ, Жанубий Корея ва Япониядан олимлар, экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролар йиғинлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Форум қатнашчилари Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан сўнг давлат ва жамият қурилиши соҳасида туб ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб келинаётганини, ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш эканини таъкидладилар. Давра суҳбати қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепция — бу давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг принципиал янги босқичида мамлакатимизни янада модернизация қилиш стратегияси бўлиб, Ўзбекистоннинг замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторига қўшилиши, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши ва халқимиз учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

Экспертларнинг фикрича, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳаллани шакллантириш ҳамда ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини босқичма-босқич изчил амалга оширишга асосланган тажрибаси катта қизиқиш уйғотмоқда ва ундан демократия йўлидан бораётган бошқа давлатлар ҳам самарали фойдаланиши мумкин. Маҳалла Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан ҳисобланиши, ўз фаолияти орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида минтақадаги етакчи давлатга айланди, — деди Ж. Неру номидаги университет профессори Кулбхушан Варико (Ҳиндистон). — Президентингиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ва ривожланишнинг "ўзбек модели" деб ном олган ислоҳотларнинг асосий тамойилларини амалга ошириш мамлакат суверенитети ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, демократияни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Ушбу сиёсат бошқа давлатлардаги "шок терапияси" чораларидан тубдан фарқ қилади ва Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, "ўзбек модели" самарадорлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб берди. Бу ердаги ноёб маҳалла институти дунёдаги кўплаб мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистонда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланган ва янада мустаҳкамланмоқда. Маҳалла мақоми Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган бўлиб, унинг вазифалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги миллий қонунчиликда аниқ белгиланган.

(Давоми 3-бетда).

# ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

***Ўзбекистон ишончли иқтисодий ҳамкор эканлигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бора амалда исботлади. Гап шундаки, глобал бўҳрон таъсирида дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари иқтисодиёти жиддий зарар кўрган мураккаб вазиятда мамлакатимизда барча соҳаларда барқарор ривожланиш сақлаб қолинди.***

## Анжуман

Республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, бундай юқори кўрсаткичлар Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган қизиқишни янада ошириб, дунёнинг йирик молия институтлари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлашга асос бўлаётир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон айни пайтда кўплаб халқаро молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа молия муассасалари билан инвестициявий алоқалар кўлами йил сайин кенгайиб бораётир. Мазкур ташкилотлар иштирокида 198 та лойиҳа амалга оширилаётгани, шундан 1,45 миллиард АҚШ долларилик 153 та лойиҳа муваффақиятли якунлангани, айниқса, қувонарлидир.

Иқтисодиёт вазирлиги ташаббусига кўра, Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган, мамлакатимизнинг халқаро молия институтлари билан инвестициявий ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, хориж инвестицияси иқтисодиёт тармоқларига ўз-ўзидан келавермайди. У жадал ривожланаётган, ҳамкорлар учун қулай муҳит яратилган давлатларгагина йўналтирилади. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, саноат тармоқларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга асосланган ташқи иқтисодий фаолият кўламини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

***Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оиладек аҳил яшамоқда ва Ватан равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, билим олиши, касб эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.***

Давлатимиз томонидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ миллий маданият марказларини қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётир. Улардан бири — 15 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Республика рус маданият марказидир.

Шу йиллар мобайнида марказ мамлакатимизда рус миллати вакилларининг бошқа миллатлар вакиллари билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллатлараро алоқалар ва ҳамкорликни кучайтириш, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, маънавий қадрият ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасидаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон ва Россия халқларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, икки томонлама дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, ўзбек ҳамда рус тилининг ушбу жараёндаги ролини оширишга бағишланган давра суҳбати ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Тадбир Республика рус маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Россиянинг мамлакатимиздаги Савдо ваколатхонаси, Россия фан ва маданият маркази томонидан ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экологияга оид бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, бунда парламент ваколатлари кенгайтирилгани, сиёсий партиялар фаоллашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, мана, уч йилдирки, амнистия актини қўллашда қонунийликни таъминлашда жамоатчилик фаол иштирок этиб келмоқда. Амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилишига оид низомга кўра, жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилади. Ишчи гуруҳлари жиноий жазони ижро этиш муассасалари ва органларини бориб кўриш, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг шахсий йиғмажилдлари, шунингдек, суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари билан танишиш, амнистия актининг қўлланиши юзасидан терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ўрганишда ва кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ваколатига эга. Шу билан бирга, улар томонидан амнистия акти асосида озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишлар аҳволи мониторинг қилиниши амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Энг муҳими, ишчи гуруҳларининг асосий эътибори бугунги кунда амнистия қўлланилишидаги суиистеъмолликлар, уни ноқонуний қўллаш ёки қўллашни ноқонуний равишда рад қилиш ҳолларини бартараф этишга қаратилмоқда. Аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиш ва чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига ҳамда Бош прокуратурасига юборилиши амалиёти йўлга қўйилган.

Шундай бўлса-да, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий асоси — "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда қайд этилганидек, жамоатчилик назоратининг турлари, шаклларини белгилаб олиш айни зарурат саналади. Қонун лойиҳасида таянч тушунчаларни изоҳлаш, жамоатчилик назоратининг предметини, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, бундай назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш талаб ва қоидаларини аниқ белгилаб қўйиш талаб этилади. Зеро, жамоатчилик назорати давлат хизматчилари ёки органларининг Конституция ва қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ҳужжатларга риоя этилишини жамоатчилик тартибида ўрганишни назарда тутади.

Шу билан бирга, қонуннинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, ушбу қонун солиқ, валюта, банк, суғурта, транспорт, ҳаракат хавфсизлиги, экология, санитария-гигиена, божхона, тезкор-қидирув тадбирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид муносабатларни қамраб олиши зарур. Айни пайтда қонун билан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи асосий тузилмаларни белгилаб қўйиш ҳам тақозо этилади. Хусусан, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, давлат хизматчилари, ижтимоий, сиёсий ташкилотлар етакчилари, ўзини ўзи бошқариш тамойили асосида иш юритадиган муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда лойиҳалар раҳбарларидан иборат таркибда ягона мустақил кенгашни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати натижаларини муҳокама қилиш, назорат тадбири амалга оширилганда, аниқланган камчилик ва хатолар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш механизмини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, табиийки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонунларни қабул қилишнинг аҳамияти беқиёсдир.

**И. ҚОРАТОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

## ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги ижросига оид назорат-таҳлил якунларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни бу борада катта аҳамият касб этмоқда, албатта. Унда фуқароларнинг меҳнат ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, меҳнат қилиш учун муносиб шарт-шароит яратиш, шунингдек, аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асосларини ишлаб чиқиш каби масалалар ўз ифодасини топган. Шунинг учун мазкур ҳужжатнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали тегишли хулосалар чиқариш бугунги кун тақозосидир. Айни пайтда йиғилишда ҳар икки вилоятда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Тошкент вилоятида 2010 йили 85969 та янги иш ўрни яратилганлигини айтиб ўтиш лозим. Шулардан 4230 таси янги йирик корхоналар, 34025 таси кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келса, 8124 таси ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, қарийб қирқ мингтаси касаначилик ва бошқа йўналишдаги саъй-ҳаракатлар эвазига яратилган.

— Бундан ташқари, ушбу вилоятларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилган, — дейди мазкур

**Парламент назорати**

қўмита аъзоси Султон Жўраев. — Масалан, 31065 нафар битирувчидан 25882 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, 1056 нафари олий ўқув муассасаларига ўқишга қабул қилинган. Шу билан бирга, 1644 нафар битирувчи оилавий сабабларга кўра ишга жалб қилинмаганлиги, 2483 нафарининг эса ижтимоий бандлиги таъминланмаганлиги қониқарсиз ҳолдир.

Йиғилишда юқорида номи тилга олинган Қонуннинг бажарилиши билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган бир қатор камчилик ва нуқсонлар борлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, айрим туман ва шаҳарларда инвестиция лойиҳалари бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси тегишли даражада амалга оширилмаган. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар белгиланган миқдорда ташкил этилган бўлса-да, бу йўналишда аҳоли бандлигини таъминлашга эътиборсизлик билан қаралмоқда.

— Сирдарё вилоятида ушбу Қонун ижроси юзасидан олиб борилган назорат-таҳлил ишлари нимани кўрсатди? — дейди қўмита аъзоси Саймиддин Ёрматов. — Ҳудудда 2010 йили жами бўлиб 38199 та янги иш ўрни очилган. Уларнинг 1706 таси янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш, саноат корхоналарини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига яратилган бўлса, 15154 таси янги кичик бизнес субъектлари ҳамда микрофирмалар очиш эвазига барпо этилган. Айни пайтда аҳоли бандлигини таъминлашда касаначилик, якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш қўл келмоқда.

Тадбирда вилоятда бу борада бир қатор камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Мисол учун, Сирдарё тумани ва Гулистон шаҳридаги айрим корхоналар иш ўринларини ташкил этиш бўйича асоссиз ҳисоботлар тақдим этгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда бу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилиб, қўмита қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

**Яхши хабарлар**

## Аҳолига қулайлик

***Олот тумани марказида янги деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Бунинг учун бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бозорда 240 та дўкон, 300 та савдо растаси мавжуд. Сотувчи ва харидорлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Темир йўлда – сайёҳлик поезди

***Юртимизда сайёҳликни янада ривожлантириш мақсадида "Хоразм — Бухоро" йўналишида сайёҳлик поезди қатнови йўлга қўйилди.***

Ушбу поезд ҳафтада бир марта 400 нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатади. Замон талаблари даражасида жиҳозланган поездда йўловчилар учун барча шарт-шароит муҳайё.

Поездда Бухородан Хоразмга саёҳат қиладиган йўловчилар бетакрор табиат манзараларидан ҳам баҳраманд бўладилар. Айни пайтда мазкур йўналишда қатнов сонини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Лизингга илғор технологиялар

***Наманган туманидаги паррандачиликка ихтисослаштирилган "Уммон СБК" фермер хўжалиги Германиянинг "Хелмон" компаниясидан 339 минг евро қийматидаги технологик линияни лизинг асосида сотиб олди.***

Мазкур линия 37,5 минг бош паррандани парваришлаш қувватига эга бўлиб, у компьютер ёрдамида бошқарилади. Лойиҳа ижроси қисқа фурсатда ўз самарасини бериб, хўжаликда бир кеча-кундузда 30 минг донадан ортиқ тухум йиғиб олинаётир.

Айтиш керакки, "Ўзбеклизинг Интернейшнл АО" компаниясининг вилоятдаги ваколатхонаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг буюртмасига асосан, жорий йилнинг ўтган даврида 4 та лойиҳа бўйича 635 минг АҚШ доллари ва 67 миллион сўмлик замонавий технологик жиҳозлар келтириб, истиқболли бизнес режалар ижросига амалий ҳисса қўшди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МОЛИЯВИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ГФР сармоядорлари иштирокида мамлакатимизда умумий қиймати бир миллиард еврودан зиёд сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги юздан зиёд ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармоявий, молиявий, техникавий ҳамда хусусийлаштириш ва давлат мулкини бошқариш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорликка оид битимлар бор.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистон билан Германия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётир. 2010 йили ушбу кўрсаткич 483 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган 114 қўшма корхона, Германия фирма ва компанияларининг 49 ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш ҳамда автомобиль хизмати каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Германия банклари иштирокидаги йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки давлат олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий захиралардан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаликдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Музокарада германиялик меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай имкониятлар билан танишдилар.

— Мамлакатларимизни кўплаб жиҳатлар боғлаб туради, — деди Германия Федератив Республикаси иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг Осиё масалалари бўйича департаменти директори Вольфганг Канера. — Ўзбекистон мустақиллик йилларида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани мамлакатингизнинг юксак иқтисодий салоҳиятидан далолат беради. Германия Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Юртингиз билан бошқа соҳалар қатори ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ҳам ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокарада ҳамкорликда янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорликка, хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида фармацевтика соҳасида олиб борилган янгиланишлар самараси ҳар қанча эътирофга лойиқ.***



**Жараён**

Пойтахтимизда икки йил муқаддам иш бошлаган "Herbal pharma" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келаётир. Ҳиндистоннинг "Savers Impaks" ва Хитойнинг "Ruian Hoping Machinery" компанияларининг замонавий асбоб-ускуналари, техник линиялари билан жиҳозланган корхонада ҳозирги кунда сифатли, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи аспирин, парацетамол, сенадексин, стрептоцид, сеномакс, фенабаль каби тўққиз турдаги дори воситалари тайёрланмоқда.

Айни пайтда жамиятда йигирма нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилаётир. Уларнинг аксарият қисми ёшлар эканлиги эътиборлидир.

— Йилдан-йилга иш ҳажмини ва шунга монанд равишда даромадни ҳам ошириб бориш пайидан бўлаяпмиз, — дейди корхона директори ўринбосари Алишер Илҳомжонов. — Хусусан, ўтган йили уч юз миллион сўм фойда олдик. Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва биз, ишбилармонлар учун янада кенг имтиёз ва имкониятлар яратилиши фаолиятимиз кўламини бундан-да кенгайтиришда қўл келмоқда. Шунинг учун жорий йил модернизация ҳамда техник ва технологик янгилаш юмушларини жадаллаштириб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, маҳсулот турини кенгайтириш, ташқи бозорга чиқиш ва шу орқали даромад миқдорини етти юз миллион сўмга етказишни мақсад қилганмиз. Бу, ўз навбатида, яна йигирмата иш ўрни яратилишига замин бўлади.

**М. САИДЖОНОВ.**
**Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

# МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда дипломатик ва бизнес доиралар, бошқа миллий маданият марказлари вакиллари, олим ва экспертлар, талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Россиянинг ҳар икки давлат учун муҳим бўлган соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлигига асосланган икки томонлама муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. 2004 йилда икки давлат ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги битим, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битим имзоланди ва бугунги кунда ҳамкорлик ушбу ҳужжатлар асосида янада ривожланмоқда.

— Айни пайтда Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда ва бунинг натижасида иқтисодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда, — дейди Россиянинг мамлакатимиздаги савдо вакили Константин Артюшин. — Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда Россия инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 850 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани икки томонлама ҳамкорликнинг ёрқин далолатидир.

Давра суҳбати иштирокчилари тил инсон фаолиятининг барча жабҳаларида, шу жумладан, бизнес соҳасида ҳам муваффақиятга эришишнинг муҳим воситаларидан бири эканини таъкидладилар. Шу сабабли Ўзбекистонда таълим рус тилида олиб бориладиган ўқув юртларида давлат тилини ва давлат тилида таълим бериладиган ўқув юртларида рус тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тилларни ўрганишга қизиқиш кучайиб бормоқда, — дейди Республика рус маданият маркази раҳбари Татьяна Моторнюк. — Рус йигит-қизларининг соф ўзбек тилида сўзлашиши ва ўзбек миллати вакилларининг рус тилини мукаммал билиши кишини қувонтиради. Бу миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ғоят муҳимдир.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларида миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш масаласига жамиятимиз ва давлатимизни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келади. Мамлакатимизда шаклланган турли дин ва миллат вакилларининг биргаликда аҳил-иноқ яшаш ва меҳнат қилиш тажрибасини миллатлараро, диний ҳамда этник асосга эга турли ички ва минтақавий низоларни бартараф этишда муваффақиятли қўллаш мумкин.

Тарихда турли миллат ва дин вакилларининг асрлар давомида бир оиладек яшаганини тасдиқловчи мисоллар кўп. Азалдан турли дин, маданият ва цивилизациялар ҳамкорлигининг маркази бўлган Ўзбекистонимиз бунинг ёрқин далилидир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланди.

**С. ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАРОВАТЛИ ГЎШАЛАР ФАЙЗИ

***— Мустақиллик туфайли қалбимизга ёруғлик инди. Ҳаётимиз, дунёқарашимиз, турмуш тарзимиз тубдан ўзгарди, — дейди Ботиржон Турдиев.***

***Ботиржон Оҳангарон туманидаги "Қурама" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Кончилар шаҳри Ангрен этагидан "Тошкент — Ўш" халқаро йўли ёқалаб, то Наманган вилояти ҳудудигача маржондек тизилган катта-кичик саккизта қишлоқ ана шу Қурамага қарайди. Водий томонларга йўли тушган, тушиб турадиган киши борки, Чинор, Серкақирилди, Тангатопди, Четсув, Эртош каби қишлоқларни яхши билади. Яхши биладигина эмас, тоғ ёқасидаги сўлим, тароватли бу гўшаларнинг зилол сувидан, қуртиқатиғидан, олма-нокию равоч, исмалоқ каби шифобахш гиёҳларидан татиб кўрган.***

Ботиржон билан катта йўлнинг шундоққина ёқасида, Оҳангарон сув омборининг қоқ тепасида гурунглашиб қолдик. Кўкда офтоб кулиб турибди. Ҳаво мўътадил, оромижон. Серқатнов кенг, равон йўлдан автомашиналар ғизиллаб ўтади. Худди умр оқимидек, қайноқ ҳаётнинг ўзидек бир лаҳза бўлса-да, тинмайди. Бамисоли жўшқин дарё. "Нексия", "Ласетти", "Матиз", "Спарк"... Ўз йўлимизга, Истиқлол йўлига ярашган ўзимизнинг машиналар. Учқур "тулпор"лар.

— Мустақиллик йилларида ана шу йўлнинг дунё андозалари даражасида кенгайтирилиши, йўл бўйларида маиший, техник, сервис хизмати шохобчаларининг бунёд этилиши қишлоқларимизга янги нафас, янги руҳ, файзу барака олиб кирди, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳамқишлоқларимизнинг дунёқарашига, иш тутумига ўзгача таъсир кўрсатди. Азалий касбимиз чорвачилигу боғдорчилик эмасми, қатнов тиғизлашиб, йўловчилар оқими кўпайгач, халқимизнинг ана шу касби-кори қўл келиб қолди. Йўл ёқаларида сут, қатиқ, қаймоқ, мева-чева сотадиган бозорчалар пайдо бўлди. Хонадонларимизга барака кирди. Ризқу насибамиз бутун бўлди. Тоғ одамлари ўз чорвасига, томорқасига ажиб меҳр, ўзгача ихлос билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Эндиликда аёлларимиз жундан чиройли-чиройли пайпоқлар, рўмоллар, жемперлар тўқишаяпти. Тоза тивитдан бежирим пойандозлар, кигизлар босишаяпти. Улар қўлидан чиққан маҳсулотлар ўз харидорини топаяпти.

Мисол дейсизми? Мана, шифокор синглимиз Зарина Аҳмедовани олайлик. Ўз касби билан кифояланмай, қишлоқнинг ўтидан кириб, кулидан чиқиб юрибди. Эртошлик Мусаллам Бобоева маҳалласида тикувчилик цехи очиб, йигирма нафардан зиёд қизни иш билан таъминлади. Озода Маҳамбетова бўлса, шахсий маблағи ҳисобидан катта йўл ёқасида бозор қурди.

Трассанинг ҳар икки ёқасида, шундоқ тоғ бағрида бунёд этилган янги боғлар эътиборимизни тортади.

**Фахр**

— Бу ҳам қурамаликларнинг, боғбон-соҳибкорларимизнинг иши, ташаббуси, — дейди фахр билан қишлоқ оқсоқоли. — Қаранг, шу йилнинг ўзида сув омборининг тепасидаги адирликларда 100 гектарли интенсив боғ ташкил қилдик. Эрта баҳорда бутун қишлоқ ҳашарга отланди. "Кўпдан қуён қочиб қутулмас", деганларидек, 24 минг туп кўчатни икки кунда экиб бўлдик. Бундан ташқари, мингдан ошиқ хонадонларнинг ҳар бири "Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тупдан мевали кўчат" шиори остида ўз боғлари, чорбоғларига яхши ният билан ниҳоллар ўтқазишди. Истиқлолимиз шарофати билан бизнинг тоғларда ҳам иқтисодий бақувват, қўлини қаёққа узатса етадиган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шерали Жумабоев, Ботирбек Абдураимов бошлиқ фермер хўжаликлари эришаётган меҳнат муваффақиятларини кўпчилик яхши билади. Бу жамоаларда кўплаб ҳамқишлоқларимиз меҳнат қилишаяпти. Юздан ошиқ касаначимиз бор. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 30 нафар чорвадор аёлларимизга меҳнат дафтарчаси очилди.

Мустақиллик берган неъматлар бугина эмас. Тоғ қўйнидаги қишлоқларимиз тобора гўзаллашиб, кўркам қиёфа касб этиб бораяпти. Четсув қишлоғида 435 ўринли муҳташам касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Саккизта умумтаълим мактаби мукаммал таъмирланди. Компьютер ва бошқа зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Эндиликда Чинор қишлоғида замонавий гузар қуриш, яна бир қишлоғимизда тикувчилик цехи очиш ҳаракатидамиз.

Ботиржон шундай дея йўлга, автомашиналар карвонига, улар оша олисдаги қорли тоғларга бир зум тикилиб қолади. Унинг хаёлларини бузгимиз келмай, биз ҳам атрофни томоша қиламиз. "Қанчалар гўзал, фусункор юртимиз бор", деган ўй кечади хаёлимиздан.

— Эндиликда бундай тоғ қишлоқларини бир пайтлардаги марказдан олис, назардан, эътибордан четдаги қишлоқлар деб бўлмайди, асло, — дейди Ботиржон. — Истиқлолнинг ойдин нури нафақат йўлларимизни, балки фикру ўйларимизни, кўнгилларимизни-да чароғон этмоқда. Қишлоқларимиз кун сайин чирой очаяпти. Одамларимиз аввалгидан кўра тадбиркорроқ, ишбилармонроқ бўлиб бормоқда. Мана бу замонавий йўлга бир қаранг-а! Бу йўл бизни буёғи водий, буёғи пойтахтимиз азим Тошкент, ундан оша Ўзбекистон деб аталмиш дунёга юз тутаётган улуғ мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан чамбарчас боғлаб турибди. Биз ҳали бу йўллардан узоқ кетамиз, кўзлаган буюк мақсадларимизга етамиз.

Мана кўрасиз, албатта, шундай бўлади.

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲАЛЛА – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатингиз раҳбари институционал ривожланишнинг янги — маҳалла вазифаларини амалга ошириш орқали миллий ва оилавий қадриятларни қайта тиклаш тизимини яратди. Ўзбекистон Президенти "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини изчил амалга ошириш доирасида ўз Концепциясида жамият ҳаётида маҳалла ролини янада кучайтиришга қаратилган қатор янги ва муҳим ташаббусларни илгари сурди".

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратаётгани, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётгани таъкидланган. Шу муносабат билан форум қатнашчилари ўз чиқишларида фуқаролик жамияти — бу, аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланган тизими эканини қайд этдилар.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, кучли бунёдкорлик салоҳиятига эга жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бирламчи бўғини сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга доир тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Улар илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда, чунончи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш каби кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Маҳалла институти орқали аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш тизими амалга жорий этилди. Давра суҳбати иштирокчилари ушбу тизим асосини ўзбек халқига хос эзгулик, меҳр-оқибат, бир-бирига ёрдам бериш каби кўп асрлик анъаналар ташкил этишига алоҳида эътибор қаратдилар. Хорижлик экспертлар бундай тизимнинг яратилиши дунёда ўхшаши йўқ ноёб тажриба ҳисобланишини таъкидладилар.

"Цукуба" университети проректори Сужинака Ютака (Япония) шундай деди: "Биз Шарқ ва Ғарбдаги 13 мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ўрганиб чиқдик. Тадқиқот натижалари ўзбек маҳалласи — бу бошқа мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш моделидан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос ноёб миллий демократик институт эканини яна бир бор тасдиқлади. Маҳалланинг ўзига хос аҳамияти шундаки, унинг фаолиятида барча фуқаролар, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этади. Маҳалла жамиятни демократлаштириш, тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда муҳим ўрин тутади, унга ўз ҳудудини бошқариш, аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, одамлар ҳаёти билан боғлиқ кўплаб ижтимоий, гуманитар масалаларни ҳал этиш учун катта ваколатлар берилган. Маҳалла — бу жуда мустаҳкам ва барқарор тузилма. Мамлакатингизда фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида давлат ўз вазифаларини босқичма-босқич қисқартириб, уларни маҳаллаларга бермоқда ва маҳалла, ўз навбатида, бу масъулиятни ўз зиммасига олмоқда. Маҳалла тажрибасини дунёда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди".

"Турли мамлакатларда давлат ва жамият турлича шаклланган, муайян тажриба ва анъаналар тўпланган, — деди Норвегия маҳаллий ва минтақавий ҳокимиятлар ассоциациясининг халқаро лойиҳалар бўйича директори Элита Цакуле. — Жумладан, Норвегияда жамият ва давлатни ривожлантиришга доир муҳим вазифаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳукумат ўртасида ижтимоий шериклик модели ривожланган. Айни пайтда Норвегияда, жумладан, кичик бизнес ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш масаласида ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Бу борада давлатингиз раҳбарининг маҳалла ролини ошириш, жумладан, уни кичик бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилган янги қонунчилик ташаббуслари катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу келгусида замонавий фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини шакллантириш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга хизмат қилади. Фуқароларнинг муҳим вазифаларини самарали ҳал этиш, бунинг учун маҳаллий ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш, менимча, Норвегия учун ҳам фойдали бўлади".

Давра суҳбатида маҳалла жамиятда маънавий-маърифий қадриятлар, соғлом турмуш тарзи фалсафасининг қарор топиши, баркамол авлодни тарбиялаш, жойларда таълим, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга катта ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Бунга қаратилган дастурларни амалга оширишда маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда.

Кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг ҳисобидан фуқаролар фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун ушбу соҳада иш билан банд жами аҳолининг 74 фоиздан ортиғи меҳнат қилмоқда. Давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфи кичик корхоналар ташкил этилаётган, ижтимоий инфратузилма ривожланиб, касаначилик кенг қўлланилаётган маҳаллаларда шаклланаётганини қайд этди. Фуқаролар йиғинларида фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги ихтисосга ўргатишга доир ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла тобора оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланаётир.

Техас университетининг тарих кафедраси профессори Жеймс Воннинг (АҚШ) таъкидлашича, дунёда ҳанузгача фуқаролик жамияти хусусида яхлит тушунча йўқ. Европа ва Америкада дастлаб кучли фуқаролик институтлари шаклланган бўлса, Шарқнинг аксарият мамлакатларида аввал кучли давлат институтлари ташкил этилиб, кейинчалик улар фуқаролик тузилмаларини шакллантириб, қўллаб-қувватлади. Америкалик экспертнинг фикрига кўра, келажакда иқтисодий ривожланиш ва жамият турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароит яратадиган глобаллашув жараёнларини чуқурлаштиришда бутун дунёда миллий муштаракликка, давлат суверенитетига рахна солувчи таҳдидлар пайдо бўлади. Ж. Вон бундай шароитда ўзининг самарадорлигини намоён қилган маҳалла институти миллий анъана ва маданиятни асраб-авайлаш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин, деб ҳисоблайди. "Фуқароларнинг бундай ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш Ғарб давлатлари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Биз уларнинг фаолиятини ўрганишимиз ва Ўзбекистон тажрибасини қўллашимиз лозим", деб таъкидлади эксперт.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда маҳалла ҳақиқий демократия ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш мактабига айлангани қайд этилди. Очиқ ва ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни мустақил ҳал этиш, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади. Маҳаллалар барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайловларда фаол иштирок этмоқда ва сайлов асосида ўзлари ҳам шаклланмоқда. Икки ярим йилда бир марта фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда. Чунончи, жорий йилги сайловларда 100 минг нафардан зиёд кишини сайлаш режалаштирилмоқда. Хорижлик экспертларнинг таъкидлашича, дунёда бу каби кенг кўламли демократик сайловларга мисол топиш қийин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятни ривожлантириш, ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳисобга олинган ҳолда, улар фаолиятининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла вазифаларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш, улар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли хорижлик экспертлар Президент Ислом Каримовнинг ушбу соҳага таалluқли янги қонунчилик ташаббуслари ўз вақтида қабул қилинган ва муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Масалан, "Минтақавий мулоқот" нодавлат ташкилоти эксперти Катя Гершаг (Словения) шундай деди: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган жамоатчилик назорати жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини таъминлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, йиғинлари орқали жамият ишини бошқаришда иштирок этаётгани жамоатчилик назоратининг энг самарали шаклларидандир. Унинг ёрдамида фуқароларнинг маҳаллий ҳамжамият ишларини ушбу ҳудуд аҳолиси манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мустақил юритиш ҳуқуқи амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг маҳалла назорат ваколатларини босқичма-босқич ошириш бўйича тажрибасини ўрганиш бошқа мамлакатлар олимлари ва амалиётчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияни амалга ошириш давомида Европа Иттифоқи мамлакатларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳокимият органлари ўртасида ижтимоий шерикликнинг айрим ижобий жиҳатларидан фойдаланиш мумкин. Бу шериклик самарали ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажаришда барча томонлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларига кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши, тегишли ҳудуддаги коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан сифатли хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш ҳуқуқини беришга асосланган".

"Маҳалла — ўзбек халқининг улкан бойлиги бўлиб, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, баркамол ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда, — деди Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни ўрганиш институти етакчи мутахассиси Чжао Хуэйжун. — Ушбу ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарасида жамият мустаҳкамланмоқда, демократия ривожланмоқда. Улар, ҳақиқатан ҳам, одамларга яхши яшаш, бизнес, шу жумладан, оилавий бизнес билан шуғулланишга кўмаклашмоқда. Бошқа мамлакатлар учун маҳалла фаолияти катта ва муҳим тажриба ҳисобланади. Президентингиз Ислом Каримовнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати ғоят самаралидир. Мен давлатингиз раҳбарининг бу борадаги янги қонунчилик ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайман".

Давра суҳбати қатнашчилари маҳалла институтини ривожлантиришга қаратилган янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ҳам фикр алмашди. Биринчи навбатда — бу, ижтимоий-иқтисодий соҳада самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш, аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла ролини оширишга қаратилиши лозим. Хусусий мулкни самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, ижтимоий дастурларни амалга оширишда маҳалланинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ўзаро ҳамкорлигини тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Мухтасар айтганда, халқаро давра суҳбати иштирокчилари халқнинг кўп асрлик анъаналари ва истиқлол йилларида демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистонда тўпланган катта тажрибани пухта ўрганиш зарур, деган хулосага келдилар. Улар мамлакатимизнинг бу борада эришган ютуқлари, белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш барқарор демократик ривожланишга интилаётган дунёнинг кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини алоҳида қайд этдилар.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу мақсадда кўплаб ҳаётий дастурларнинг амалиётга изчил татбиқ этилиши сўнгги уч йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 баробарга, инвестициялар ҳажмини 1,8 баробарга, шу жумладан, хорижий инвестиция ва кредитларни 2,4 баробарга ошириш имконини берди.

Соҳа мутахассисларининг қайд этишича, келгусида мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳажми янада кўпаяди. Сабаби, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурга мувофиқ, 47,5 миллиард АҚШ долларилик 500 дан зиёд инвестициявий дастурлар амалга оширилади. Бундан ташқари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки иштирокида умумий қиймати 2,4 миллиард АҚШ долларилик 45 та лойиҳа ижросига киришилди.

Мазкур сармоялар нафақат иқтисодиёт тармоқларига, балки соғлиқни сақлаш, таълим, бунёдкорлик, ичимлик суви таъминоти ва коммунал хўжалик инфратузилмасини такомиллаштириш сингари ижтимоий соҳаларга ҳам йўналтирилмоқда. Бу эса иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ADOLAT SOQCHISI
АДВОКАТЛИК БЮРОСИ
Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилинг!
- Ҳар хил турдаги қарздорликларни ундириш (шу жумладан, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш).
- Хўжалик, фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларда иштирок этиш.
- Хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга юридик хизмат кўрсатиш.
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, божхона, солиқ ва бошқа органлар томонидан текширув ўтказилаётган пайтда иштирок этиш.
- Оилавий муаммолар, мол-мулкни бўлиш, никоҳдан ажралиш, мерос билан боғлиқ мулк масалалари, шартномавий муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича юридик маслаҳатлар бериш, шунингдек, барча турдаги битимлар тузиш учун зарур ҳужжатлар тўплаш.

Юридик маслаҳатларни бериш ва ишларни ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва судда кўп йиллик амалий тажрибага эга юридик фанлари доктори, профессор Назаров Юсуф Бозорович томонидан таъминланади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзил: Тошкент шаҳри, Янгибозор кўчаси, 1-уй.
Тел.: (+99894) 665-48-15, (+99871) 289-51-34, (+99897) 401-98-81. Факс: (+99871) 140-06-85.
E-mail:adolatsoqchisi@mail.ru

Ишончли ва кафолатли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Корея Республикаси Эксимбанкининг кредит йўналиши:

Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналиши:

МИЛЛИЙ БАНК — БИЗНЕСИНГИЗНИ СИЗ БИЛАН БИРГА РИВОЖЛАНТИРАДИ



## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Тадқиқот натижаси

***Дунё олимлари селекция ишлари илк бор қаерда ва қачон амалга оширилгани ҳақида шу пайтгача аниқ бир хулосага келишолмаган.***



"New Scientist" нашрининг ёзишича, бу масалада калаванинг учи топилган кўринади. Яъни ушбу соҳа дастлаб Хитойда пайдо бўлгани ҳақида далиллар аниқланган. Қадимги хитойлик деҳқонлар гуручнинг ширали ва ёввойи навларини чатиштириш орқали мўл ҳосил олишган экан. Олдинроқ бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар зироатчиликда бундай усулдан фойдаланишга Европада асос солинганини маълум қилган эдилар.

### Нефть ва газ конлари аниқланди

***АҚШнинг энг йирик "Exxon Mobil Corp" нефть компанияси Мексика кўрфазида учта янги конни топганини маълум қилди.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига қараганда, мазкур конларнинг иккитасида катта ҳажмда нефть, яна биттасида табиий газ захиралари мавжуд. Конлардан 700 миллион тонна углеводород хом ашёси қазиб олиш мумкинлиги айтилмоқда. Мазкур янгиликнинг эълон қилиниши билан "Exxon Mobil Corp"нинг қимматли қоғозлар бозоридаги акциялари нархи бир фоизга кўтарилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ушбу кўрфазда Буюк Британиянинг "BP" компаниясига қарашли платформада юз берган фалокатдан сўнг АҚШ ҳукумати бу ҳудуддан углеводород хом ашёси қазиб олишни тақиқлаб қўйганди.

### Ўйинчоқ автомобиль намунаси

***Конструктор Ник Кейс жаҳонда энг тез ҳаракатланувчи ўйинчоқ автомобиль намунасини яратди.***




"Schumacher Mi3" дея номланган мазкур кичик машина соатига 260 километр тезликда ҳаракатлана олади. Никнинг айтишича, ташқи кўриниши ракетани эслатувчи ушбу ўйинчоқ автоуловни у "Формула-1" пойгаларида етти карра жаҳон чемпиони бўлган Михаэль Шумахер шарафига шундай деб атаган. Биласиз, соатига 260 километр тезлик жуда юқори кўрсаткич ҳисобланди. Буни ҳатто аксарият русумдаги катта автомобиллар ҳам қайд этиши анча мураккаб ва хатарлидир. Ник Кейс бу митти мўъжизани яратиш учун олти ой вақт сарфлаган.

### Тунда ҳам тўхтамайди

***Испаниялик мутахассислар томонидан яратилган қуёш электростанцияси лойиҳаси мукаммаллиги билан ном қозониши мумкин.***



Гап шундаки, у булутли ҳаводa ҳам, кечалари ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. У бир вақтнинг ўзида 25 минг хонадонни электр қуввати билан таъминлай олади. Бу ҳозиргача яратилган қуёш электростанцияларига қараганда икки баробар юқори кўрсаткичдир.

Тўрт юз миллион евро миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган мазкур иншоотни қуришда Испания, Франция, Чехия, АҚШ ва Бирлашган Араб Амирликлари мутахассислари иштирок этади. У Абу-Даби шаҳрида қад ростлайди.

### Аввал қурғоқчилик, энди тошқин

***Хитойнинг Цзянси музофотида сув тошқинлари рўй берди.***



Табиий офат 54 кишини ҳаётдан олиб кетган, 32 киши эса бедарак йўқолган. Қарийб 100 минг нафар одам хавфсиз жойларга кўчирилган. Манбада келтирилишича, мамлакат маркази ва жанубидаги яна 11 музофот ҳам тошқиндан зарар кўрган. Фавқулодда ҳолат кучли ёғингарчилик туфайли келиб чиққан.

Хитой аҳолиси май ойида сўнгги 50 йилда кузатилмаган қурғоқчиликдан азият чекканди. Энди эса тошқинлар улар бардошини синовдан ўтказмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Тошкент молия институти жамоаси Статистика кафедраси мудири Ҳамид Шодиевга акаси

**Боймурод ШОДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси жамоаси "Наманганулгуржисавдоинвест" ҳудудий улгуржи савдо базаси раҳбари Абдулазиз Жўраевга волидаи муҳтарамаси

**МУКАРРАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ижодкорлик — Яратганнинг улуғ неъмати. Инсон қалби кечинмалари, ҳис-туйғулари таъсирчан акс эттирилган асар ҳамиша ўз ўқувчисини топади. Ўзгалар дарди билан яшаб, Ватанни авж пардаларда куйлаган ижодкор эл-юрт ардоғида, мухлислар назарида бўлади. Ана шундай ижодкорларимиздан бири шоир ва ёзувчи Ҳабиб Саьдулла эди. Наманган шаҳрида туғилиб, вояга етган Ҳабиб Саъдулла адабиёт мухлислари орасида кўпроқ ғазалнавислиги билан машҳур. Унинг шеърларида инсон ва табиат, эзгулик, садоқат, севги ўзига хос тарзда тараннум этилади. Шоир ғазалларини ўқиб, инсонга нисбатан юксак эҳтиромни кўрамиз. Азалий қадриятлар, ватанпарварлик, элпарварлик каби фазилатларга беқиёс ҳурматни илғаймиз.**

# ЮРТНИ КУЙЛАМОҚ — ШАРАФ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар**

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ҳам, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида ҳам бош мақсад инсон камолоти деган ғоя илгари сурилади. Зеро, моддий фаровонлик, жисмоний баркамоллик билангина башарият бекаму кўст бўлолмайди. Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизликларнинг, маънавий тубанликларнинг меъёрий ҳолга айланиб бораётгани қалби уйғоқ одамни жиддий ташвишга солиши аниқ. Хусусан, Президентимизнинг адабиёт аҳлига мурожаатидаги қуйидаги фикрларига эътибор беринг: “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни ёзувчи “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилаяпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади”. Ушбу таъкидлар ҳар бир ижодкор зиммасидаги масъулиятни ошириб, уни эл-юрт манфаати учун хизмат қилувчи ҳаётий ва сермазмун асарлар битишга ундайди. Шу маънода, Ҳабиб Саъдулла қаҳрамонлари ҳам бурчга садоқат, она-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи кишиларки, ёш авлод бундан, албатта, ўзига хос ибрат олади.

Ҳабиб Саъдулла ижоди 1985 — 1990 йилларда янги босқичга кўтарилди. Бу йилларда у насрда ҳам истеъдодли эканлигини исботлади. Бунинг самараси ўлароқ, “Нур қадри”, “Тонг мусаффо бўлса” китоблари босилди, “Меҳр қуёши” драмаси дунё юзини кўрди. 1989 йили “Сиртмоқ” деб номланган ҳужжатли қиссаси эса муаллифга катта шуҳрат келтирди. Шоирнинг таржимонлик фаолияти ҳам алоҳида эътиборга молик. У Озарбойжон шоири Олим Кешоков, Доғистон шоири Расул Ҳамзатов, украин шоираси Леся Украинканинг шеърларини ўзбекчалаштирди.

Ҳабиб Саъдулла асарларида юртимиз жамоли меҳр ила улуғланади. Шунинг учун бўлса керак, унинг шеърларида кўтаринки руҳ, ҳаётга муҳаббат сезилиб туради. Шоир бир шеърида шундай дейди:

*Мен эзгу ниятдан келдим дунёга,*
*Эзгулик изладим.*

Истиқлол Ҳабиб Саъдулла ижодига ҳам янгича руҳ, янгича тафаккур бахш этди. Масалан, унинг мустақиллик йилларида ёзилган “Тазарру” ва “Ватан садоси” шеърлари шоир мулкига айланиб улгурди. У юртга садоқат, хиёнат ва диёнат ўртасидаги азалий зиддиятларни қаламга олиб, фалсафий ечим қидиради. “Ватан садоси” шеъри орқали эса шоир диний ақидапарастлар, террорчилар томонидан алданиб, нобоп йўлларга кириб қолган айрим ёшлар қисматига ачиниб, уларга қарата шундай дейди:

*Гул кўнглинг тош каби қотмасдан туриб,*
*Ҳали қўлинг қонга ботмасдан туриб,*
*Имонинг долларга сотмасдан туриб,*
*Менинг кўксимга тош отмасдан туриб,*
*Тарих лаънат ҳукмин айтмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Қадди қучоғимга ярашган болам!*

*Балолардан асраб суюб, ардоқлаб,*
*Сенга ато этдим фаросат ва қалб.*
*Карвондан адашган бўтага ўхшаб,*
*Бугун қаерларда юрибсан қақшаб,*
*Ёвузлик заҳрини тотмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Қадди қучоғимга ярашган болам!*

*Сени йўлдан урган бахти қаролар,*
*Касби ғаламислик, кори-риёлар,*
*Онасига ҳуриб, ёвга ёлворар,*
*Шунинг эвазига садақа олар.*
*Ўшалар қавмига ўтмасдан туриб,*
*Бағримга қайт, болам,*
*Адашган болам,*
*Қадди қучоғимга ярашган болам...*

Умуман, Ҳабиб Саъдулла эзгулик, виждон, мустақиллик куйчиси сифатида ном қозонган шоир. Қолаверса, у публицист ва адабий танқидчилик борасида ҳам ўзига хос қалам тебратган ижодкордир. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад “Кўчангдан яна жонон ўтяпти” номли мақоласида Ҳабиб Саъдулла ҳақида шундай дейди: “Ҳабиб Саъдулла — истеъдодли, унинг асарлари асосида ҳаёт ҳақиқати туради. У булбулзабондир. Гапнинг очиғини айтсам, Ҳабиб Саъдулладек ўз юртида юксак қадрланган шоирни кўрмадим. Юрт қувончидан қувонадиган шоиргина шундай бўлади. Бунинг яна бир сабаби шундаки, у ҳар доим халқ ичида, одамлар орасида бўлди”.

Адибнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилган. У 1992 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, 2003 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.

2011 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига марҳум адиб Ҳабиб Саъдулланинг номзоди кўрсатилиши мамлакатимизда адабиётимизни ривожлантиришга, маънавиятимизни юксалтиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

**Умар ТЎЙЧИЕВ,**
**филология фанлари доктори.**
**Эркинжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

**«Ёзги таътил — 2011»**



# БЕҒУБОР БОЛАЛИКНИНГ МАРОҚЛИ ДАМЛАРИ

**Болажонлар орзиқиб кутган ёзги таътил онлари ҳам бошланди. Уларнинг оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун бу йил ҳам катта ҳозирлик кўрилди.**

Хусусан, ушбу мавсумда Қашқадарё вилоятидаги 19 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳига 26 минг нафарга яқин болаларни жалб қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонасига қарашли “Шўртан қалдирғочи”, “Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонасига қарашли “Ёш алангачи” оромгоҳларида Меҳрибонлик уйларининг 200 нафардан зиёд тарбияланувчилари дам оладилар.

Вилоятдаги “Лочин”, “Ниҳол”, “Ёш алангачи”, “Беруний” оромгоҳлари халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган соғломлаштириш масканлари ҳисобланади. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги “Лочин” оромгоҳи нафақат юртимиз вилоятлари, балки Озарбойжон, Молдова, Россия каби бир қатор хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қилмоқда.

Ҳар галгидек, бу йил ҳам сўлим Мироқи қўрғонида жойлашган ушбу маскан болаларнинг шўх кулгиси ва куй-қўшиқлари билан янада файзли тус олган. Кейинги йиллар давомида оромгоҳ Шўртан газ-кимё мажмуи ташаббуси билан болалар мириқиб дам оладиган энг обод гўшага айлантирилди. Бу ерда ўзига хос, янгича, замонавий лойиҳадаги бинолар, жойлашиши ва дизайни жиҳатидан ранг-баранг павильонлар, кема, пирамида шаклидаги ҳашаматли ҳамда бетакрор кўнгилочар жойлар бунёд этилиб, ювиниш хоналари, чўмилиш ҳавзаларида барча шарт-шароит яратилди. Янада қувонарлиси, болаларнинг ота-оналари билан бирга, оилавий дам олишларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 68 ўринли меҳмонхона ҳам қуриб битказилди. Йил давомида ишлайдиган ушбу меҳмонхона мажмуасида қишки боғ, чўмилиш ҳавзаси ҳамда муҳташам спорт мажмуаси бунёд этилган.

Болалар “Лочин”да дам олиш билан бирга, тарихий обидалар билан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Бунинг учун оромгоҳда дунёнинг етти мўъжизаси деб аталадиган буюк ёдгорликларнинг кичрайтирилган кўриниши тайёрланмоқда. Ҳозиргача шулардан Италиядаги Колизей, Артемида, Ҳиндистондаги Тожмаҳал ва Франциядаги Эйфель минораларининг кичик нусхаси қуриб битказилди.

— Ҳар бир оромгоҳда хўжалик ташкилоти билан келишган ҳолда, кичик бизнес ташкил этилиб, ҳудуддаги мавжуд бўш майдонларда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва сув қадоқлайдиган кичик цехлар барпо этиш, паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг раиси Эсон Ражабов. — Бундай тажрибалар оромгоҳларни арзон, сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, маблағни иқтисод қилиш имконини бериб, оромгоҳларга даромад келтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, бу йил соғломлаштириш масканларида болажонларнинг таътил мавсумини мазмунли ўтказиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, ижодий қобилиятини юзага чиқариш, интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Мардлар қўриқлайди Ватанни!**

# «ФАРЗАНДЛАРИМ — ФАХРИМ, ҒУРУРИМ»

**Икки ўғил — икки офицер қишлоққа бир кунда етиб келди. Фарзандларининг ташрифи Абдуфаттоҳ ака ва Бонугул аянинг қалбини нурга, оиласини файзга тўлдирди. Айниқса, ая сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган шунқорларининг келишган бўйбастларига боқиб, кўзлари тўймайди. Қариндош-уруғ, дўсту биродарлар ҳам тинчлик посбонларини йўқлаб келишди.**

Қодиржон ва Аброр қишлоққа ҳар гал келганда, мана шундай байрам бўлади. Болакайларнинг “Қодиржон ака, фуражкангизни бир кияй”, дейишларию, “Аброр ака, менам сиздек аскар бўламан”, дея эркаланишларини айтмайсизми?!

Нуробод туманининг Жом қишлоғидаги бу хонадонга ҳамма ҳавас қилади. Ахир бир эмас, икки ўғил ҳарбийда. Улар энг шарафли бурч — Ватан ҳимоясига ўзларини бағишлаганлар.

Ака-ука ҳарбийликка ёшликданоқ қизиқишган. 21-мактабда аъло баҳоларга ўқиш баробарида, қишлоқ кўчаларини чангитиб тўп тепишлар, тўю томошаларда кураш тушишлар уларнинг болалик чоғларидан ёрқин эсдаликлардир. Улар учун китоб мутолаасидан кўра қизиқроқ, ота-онанинг энг яқин дастёрлари бўлишдан кўра муҳимроқ иш йўқ эди. Ватанга муҳаббат болаликдан, остонадан бошланади, деб шунга айтишса керак.

Ниҳоят, 1996 йилда Қодиржон Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирди. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қисмларида хизмат даври уни ҳарбий ва жисмоний жиҳатдан тоблантирди, улғайтирди. У Президентимиз Фармонига асосан, “Жасорат” медали билан тақдирланди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони ҳамда қатор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Бугун у республика Қуролли Кучлари академияси тингловчиси. Икки фарзанднинг отаси, бахтли оиланинг бахтиёр соҳиби.

Укаси Аброр ундан икки ёшга кичик. Шу боис ака-ука ёшлигидан худди эгизаклардек камол топдилар. Акасига эргашиб, Аброр ҳам ўз келажагини ҳарбийликда кўрди. Бу йўлда астойдил ўқишга, салоҳиятини ошириш, жисмоний чиниқишга интилди.

У ҳам 1998 йилда акаси таҳсил олган олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Ҳарбий-жисмоний машқлар ва тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, курсант деган шарафли номга сазовор бўлди. Шундай қилиб, Аброр Турсунов ҳам Ватан ҳимоясидек масъулиятли соҳага кириб келди.

— Мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилиш энг катта орзуим эди, — дейди офицер Аброр Турсунов. — Бугун ана шу шонли сафда эканлигимдан фахрланаман. Ватан ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш биз, ҳарбийларнинг энг муқаддас бурчимиздир. Истиқлол йилларида муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раҳнамолигида ҳарбийлар учун қатор имтиёзлар, имкониятлар яратиб берилмоқда. Бундай ғамхўрликлар оилаларимиз фаровонлигини янада юксалтирмоқда.

Аброрнинг уч нафар фарзанди бор. Хизматдан бўш пайтларини аҳил оиласи даврасида ўтказади.

— Фарзандларим — таянчим, — дейди Абдуфаттоҳ ота. — Улар мустақил Ўзбекистонимиз, она-Ватанимиз ҳимоячилари эканлигидан чексиз фахрланаман, Яратганга шукр дейман. Ниятимиз, юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин. Сарҳадларимиз посбонлари соғ-омон бўлишсин.

**С. РАСУЛОВ.**



# ОБ-ҲАВО

**(10 июнь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5